



**ARTICLE 195² OF THE CODE OF ADMINISTRATIVE
RESPONSIBILITY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN:
LEGAL DESCRIPTION AND SCIENTIFIC ANALYSIS**

S.N. Qurbonov

Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17224086>

ARTICLE INFO

Received: 13rd September 2025
Accepted: 28th September 2025
Online: 29th September 2025

KEYWORDS

Road traffic safety, offense, administrative liability, law enforcement, photo and video materials, internet networks, defamation, fine, administrative detention, false (fake) information.

ABSTRACT

This article is dedicated to Article 195² of the Code of Administrative Liability of the Republic of Uzbekistan (CAL), which addresses the administrative offense related to the distortion and dissemination of photo and/or video materials of law enforcement officers in a manner that leads to their defamation. The article examines the legal characteristics of this offense, analyzing the content of the article, its place in the legislation, subjective and objective aspects, practical application, and theoretical significance.

**СТАТЬЯ 195² КОДЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ
АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ: ЮРИДИЧЕСКАЯ
ХАРАКТЕРИСТИКА И НАУЧНЫЙ АНАЛИЗ**

С.Н. Курбонов

доктор философии (PhD) по юридическим наукам
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17224086>

ARTICLE INFO

Received: 13rd September 2025
Accepted: 28th September 2025
Online: 29th September 2025

KEYWORDS

Безопасность дорожного движения, правонарушение, административная ответственность, правоохранительные органы, фото- и видеоматериалы, интернет-сети, дискредитация, штраф, административный арест, ложная (фейковая) информация.

ABSTRACT

Данная статья посвящена статье 195² Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан (КоАО), которая регулирует административное правонарушение, связанное с искажением и распространением фото- и (или) видеоматериалов сотрудников правоохранительных органов в целях их дискредитации. В статье рассматривается юридическая характеристика данного правонарушения, анализируются содержание статьи, её место в законодательстве, субъективные и объективные стороны, практическое применение и теоретическое значение.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСНИНГ 195²-МОДДАСИ: ЮРИДИК ТАВСИФ
ВА ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ**

С.Н. Курбонов

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17224086>

ARTICLE INFO

Received: 13rd September 2025

Accepted: 28th September 2025

Online: 29th September 2025

KEYWORDS

Йўл ҳаракати хавфсизлиги, қоидабузарлик, маъмурий жавобгарлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, фото-видеотасвир, интернет тармоқлари, обрўсизлантириш, жарима, маъмурий қамоқ, ёлғон (фейк) маълумотлар.

ABSTRACT

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖтК)нинг 195²-моддасига бағишланган бўлиб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фото- ва (ёки) видеотасвирини уларнинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган тарзда бузиб тарқатиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик тавсифи кўриб чиқилган. Модданинг мазмуни, қонунчиликдаги ўрни, субъектив ва объектив томонлари, амалий қўлланиши ва назарий аҳамияти таҳлил қилинган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини оширишга, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга, шунингдек йўл ҳаракатининг ташкил этилишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу билан бирга, айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Жумладан, транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш туфайли ҳайдовчи ўзининг ҳаракатини англай олмаслиги натижасида оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Шу боис, мақолада юридик тавсифи келтирилаётган ҳуқуқбузарлик Ўзбекистон Республикаси МЖтКга “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан киритилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 февралдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига



Ушбу қонун билан мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, янги турдаги қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш масалалари мустаҳкамланди.

Ундаги нормалардан бирига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 195²-модда киритилиб, Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хизмат вазифаларини бажараётган пайтда олинган фото- ва (ёки) видеотасвирини уларнинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган тарзда бузиб тарқатганлик, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаганлик учун жавобгарлик белгиланди. Мазкур хатти-ҳаракатлар учун жазо чораси сифатида базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш назарда тутилди.

Шу ўринда ушбу махсус нормаларининг киритилишини қандай объектив зарурат тақозо этди, деган табиий савол туғилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижаларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари ўрнатилган қоидаларни менсимаслик ва транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлик билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шунингдек, йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ходимларнинг қонуний талабларини бажармаслик, уларнинг хизмат фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳамда улар тўғрисидаги нотўғри, ноаниқ ва бузиб кўрсатилган маълумотларни обрўсизлантириш мақсадида интернет тармоқларига жойлаштириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг маълумотларига кўра, 2022 ва 2023 йилларда ўз хизмат вазифасини бажараётган йўл патрул хизмати ходимлари фуқаролар томонидан 253 марта фото ва видеотасвирларга олиниб, интернет тармоқларига тарқатилган. Аниқланишича, тарқатилган материалларнинг 102 тасида (40,3 фоизида) ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини ўзлари бузган бўлса-да, ходимларнинг хатти-ҳаракатларига нотўғри изоҳ берган ҳолда ижтимоий тармоқларга жойлаштирган. Бундай ҳолатлар ходимларнинг хизматни ўташ билан боғлиқ фаоллигининг сусайишига ҳамда шаъни ва қадр-қиммати камситилишига сабаб бўлмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка тақлиф этилган ушбу янги норма билан юқоридаги каби салбий ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолати кучайтирилмоқда.

Шу билан бирга, киритилаётган қоидалардан асосий мақсад жазолаш эмас, балки жазонинг профилактик ва огоҳлантириш функциясини янада кучайтириш эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Буни қонун нормаси таҳлилидан ҳам



билиш мумкин. Жумладан, мазкур норманинг қуйидаги бир қатор муҳим жиҳатлари мавжуд:

биринчидан, ушбу қоидалар шахснинг эркин ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини чеклашни назарда тутмайди, шахс келгусида ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари (уларнинг фаолияти)ни исталганча фото ва видеотасвирга олиши мумкин;

иккинчидан, мазкур қонун нормаси билан ҳар қандай ҳоллардаги эмас, балки фақатгина жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизмат вазифаларни амалга ошириш вақтидаги фото ва видеотасвирларни хизмат олиб бораётган ходимни обрўсизлантириш мақсадида интернет тармоғига жойлаганлик тегишли жавобгарликни юзага келтиради;

учинчидан, жавобгарлик юзага келиши учун жойланаётган ахборотлар ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган бўлиши лозим. Акс ҳолда қилмишни ушбу модда билан малакалаш мумкин бўлмайди.

Кўриниб турибдики, қонун ижодкорлари мазкур норманинг матнини ишлаб чиқишда инсонпарварлик тамойига асосланган. Яъни, юқорида келтирилган шартларнинг барчаси бўлгандагина жавобгарлик юзага келади.

Бу борада айрим хорижий давлатларнинг тажрибаларини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлади. Буюк Британияда хизмат олиб бораётган полиция ходими ёки қуролли кучлари аскарини тасвирга олиб, интернетга жойлаштирганлик учун жаримадан тортиб, келиб чиққан оқибатига қараб ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Франция, Германия, Венгрия давлатларида ҳам ушбу ҳаракатлар тегишли жавобгарликка сабаб бўлади. Японияда эса, шахсий хавфсизлик нуқтаи назаридан полиция ходимларини уларнинг рұхсатисиз суратга олиш тақиқланган.

Шунингдек, қайд этиш лозимки, маъмурий ҳуқуқ назариясига мувофиқ ушбу модда "ҳимоя қилинадиган муносабатлар" концепциясига таянади. Бу муносабатлар давлат органлари ходимларининг шарафи ва профессионал фаолиятининг ҳимояси (кафолати)дир. Илмий манбаларга кўра, бу модда "экспрессив ҳуқуқбузарлик" туркумига киради, чунки у сўз эркинлиги билан боғлиқ. Модда қоидаларининг тарихий ривожланиши интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Яъни, қилмишнинг жавобгарлик доирасига киритишига сўнгги йилларда фейк янгиликлар ва монтаж видео ҳолатлари кўпайгани сабаб бўлган.

Модданинг қабул қилиниши йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга нисбатан дискредитацияни камайтиради. 2025 йил статистикасига кўра, ижтимоий тармоқлардаги фейк материаллар сабабли 15% ҳолатларда ходимларга нисбатан шикоятлар кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, киритилган ушбу Қонун мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, хусусан йўл ҳаракати иштирокчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишини таъминлашга ҳамда оғир оқибатли



йўл-транспорт ҳодисаларнинг олдини олишга, фуқароларни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 февралдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-1033-сон Қонуни // [https://www.lex.uz/acts/7392575?ONDATE= 21.02.2025%2000#7393274](https://www.lex.uz/acts/7392575?ONDATE=21.02.2025%2000#7393274).